

8-1-2018

THE METHODS OF IDENTIFY IMPACT OF LEADING IDUSTRY ON SOCIAL-ECONOMICAL DEVELOPMENT

G. Khidirova
Bukhara State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Khidirova, G. (2018) "THE METHODS OF IDENTIFY IMPACT OF LEADING IDUSTRY ON SOCIAL-ECONOMICAL DEVELOPMENT," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Хидирова Г.Р. – БухДУ, тадқиқотчи

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ЕТАКЧИ ТАРМОҚНИ ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШНИНГ УСЛУБЛАРИ

Мақолада иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида минтақа иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатаётган етакчи соҳа ҳудудларни комплекс барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган

Калит сўзлар: ижтимоий-иқтисодий, инфратузилма, концепция, минтақавий туризм, комплекс, етакчи соҳа.

В статье ведущая сфера влияющая на экономику региона рассматривается как фактор экономического роста и обеспечения комплексного устойчивого социально-экономического развития регионов

Ключевые слова: социально - экономический, инфраструктура, концепция, региональный туризм, комплекс, ведущая сфера.

The article considers the leading sphere which effects the economy of the region as a factor of economic growth and ensuring comprehensive sustainable socio-economic development of the regions

Keywords: socio-economic, infrastructure, comprehensive, regional tourism, complex, leading sphere.

Кириш:

XXI асрда иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида мамлакат минтақаларида мавжуд салоҳият ва имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлиги эътироф этилмоқда. Хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан ўтказилган бир қатор илмий тадқиқотлар натижалари, расмий ҳужжатларда баён қилинган устувор йўналишлар бунга яққол мисол бўла олади[1].

Ўзбекистонда охириги йилларда минтақаларни комплекс ривожлантириш, маҳаллий табиий-иқтисодий ресурслар асосида инвестицион лойиҳалар тайёрлашни янада фаоллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Айниқса, 2017 йилда ҳудудларни комплекс ва мутаносиб тарзда ривожлантиришни таъминлаш, минтақаларнинг мавжуд табиий хомашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириб боришга оид чораларга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорини алоҳида таъкидлаш лозим[2]. Яна бир расмий ҳужжат маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш ва номарказлаштириш асосида ҳудудларни комплекс барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган[3]. Умуман ҳам назария, ҳам амалиёт нуқтаи назаридан минтақаларнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ўрни кескин ошганини кўриш мумкин.

Минтақада юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш учун, рақобат афзалликларига эга тармоқ ва корхоналар биринчи ўринга кўтарилиб, улар маълум даражада локомотив вазифасини бажаришлари лозим бўлади. Ана шундай тармоқлар қаторига минтақавий хусусиятга эга бўлган туризмни

қўшиш лозим. Чунки минтақада бой табиий салоҳиятга асосланадиган туризм соҳасини кескин ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Туризм ўзига хос минтақа учун ўсиш нуқтаси ва етакчи тармоқ бўлиб хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили:

Ўсиш нуқталари (қутблари) ва марказлари минтақавий назария асосчиси француз олими Ф. Перру бўлган[4]. У тармоқларни ривожланишига қараб уларни турли гуруҳларга бўлган. Секин ривожланаётган тармоқлар (тўқимачилик, кўмир, кемақурилиши ва бошқалар), тез ривожланаётган, лекин бошқа соҳаларга деярли таъсир қилмайдиган тармоқлар (истеъмол товарлари ишлаб чиқариш), тез ривожланаётган ва бошқа соҳаларни ҳам тараққиётга таъсир қилувчи тармоқлар (станоклар ишлаб чиқариш). Ф. Перру ўсиш қутби ва унинг атрофини боғловчи моделни ишлаб чиққан. Ушбу моделнинг асосий мазмунини етакчи тармоқ энг юқори ўсиш суръатларини таъминлайди ва минтақани бошқа соҳаларини ривожига туртки бўлади. Шунингдек Ж.Р. Будвиль ҳам ўсиш нуқталари назариясини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшди.[5] Унинг концепциясига кўра ишлаб чиқаришнинг ривожланиши иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларида бир хил бўла олмайди. Ҳар доим динамик ривожланадиган тармоқларни аниқлаш мумкин улар минтақа иқтисодиётини ривожланиши учун рағбатлантирувчи ҳисобланади ва ривожланиши ва ривожланиш қутблари сифатида намоён бўлади.

Ўсиш нуқталари Будвиль томонидан қўйидаги гуруҳларга ажратилган:

- кичик ва ўрта шаҳарлар;
- йирик шаҳар агломерациялари;
- ўрта катталиқдаги саноат корхоналари;
- бир қанча шаҳар тизимларини қамраб олувчи интеграция қутблари.

Муаллиф фикрича, ҳозирда ўсиш нуқталари (қутблари) назариясидан кенг фойдаланилган ҳолда, уни янги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитига мослашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш долзарб бўлиб қолмоқда. Бу ўринда ўсиш нуқталари сифатида асосан саноат корхоналари эмас, балки хизмат соҳаларининг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Айниқса кенг имкониятларга эга туризм соҳасини минтақаларда ўсиш нуқтаси ва етакчи лакоматив бўлиб хизмат қилиши, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан юқори таъсир кучи билан ажралиб туради.

Тадқиқот методологияси:

Минтақа иқтисодиёти ва туризмни ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги авваломбор улар олдида қўйиладиган асосий мақсад ва устувор йўналишларнинг уйғунлиги билан исботлаш мумкин (1-расм) қаранг.

Минтақа ва туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлар бир-бирига жуда ўхшаб кетади, лекин уларнинг ҳар бирини бевосита манфаатлари борлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Асосий йўналишларнинг борлигини авваломбор минтақавий ресурслардан (табиий, иқтисодий, меҳнат, сув ва ер, маҳаллий хомашё) оқилона фойдаланиш, рақобатбардошлиқни ошириш, янги иш жойларини ташкил этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш, аҳолининг талабларини қондирган ҳолда, уларнинг турмуш сифатини янада юқорига кўтаришда кўришимиз мумкин.

Минтақани комплекс ривожлантиришнинг вазифалари ва йўналишлари	Туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
Мавжуд салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш	Минтақада жойлашган туризм субъектларининг ривожланишини таъминлаш
Тармоқлар билан биргаликда рақобатбардош маҳсулотлар (хизматлар) ишлаб чиқаришни ташкил этиш, экспорт ҳажми ва турини кўпайтириш	Туризм соҳасининг рақобатбардошлик афзалликларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда халқаро туризмни янада кенгайтириш
Инвестиция дастурларини тайёрлаш, амалга ошириш, хориж инвестицияларини таклиф этиш	Туризмни янада ривожлантириш мақсадида янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хориж инвесторлари учун қулай шарт-шароит яратиш
Муҳандислик, йўл транспорт ва инженерлик коммуникациялари инфратузилмасини илдам ривожлантириш	Туризм хизматлари сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш мақсадида инфратузилмани ривожлантириш
Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мева-себзавот, гўшт-сут маҳсулотларини етиштиришни кенгайтириш ва уларни сақлаш, қайта ишлаш	Туризм соҳасида умумовқатланиш тизимини такомиллаштириш, сифатини яхшилаш
Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш жойлари ташкил этиш, хизмат соҳаларини ривожлантириш, турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш	Халқаро туризм билан бир қаторда ички туризмни янада ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш, малакали кадрлар тайёрлаш, аҳолини туризм хизматларига бўлган талабини ошириш

1-расм. Минтақа иқтисодиётини ва туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари¹.

Таҳлил ва натижалар:

Ўзаро боғлиқликни икки тарафлама эканлигини таъкидлаш лозим. Биринчидан, минтақадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни туризмга таъсири; иккинчидан, ушбу соҳани, минтақани барқарор ривожланишига таъсири.

Илмий назария ва услубиёт нуқтаи назаридан туризмни минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири деярли ўрганилмаган. Туризмнинг мамлакат ва минтақа иқтисодиётидаги ўрни турлича кўринишга эга бўлиб, айрим соҳаларга қўшадиған ҳиссаси юқорилиги билан ажралиб туради. Лекин ушбу ҳолатни амалга ошириш аввалом бор истеъмол талабларини тўла қондириш, яъни ўзига хос кадр қимматлар тизимини, сайёҳик компанияларнинг эгалари, уларнинг маҳсулотларини истеъмол қилувчи сайёҳлар, минтақада уларни қабул қилувчи ходимлар шакллантириши лозим. Туризмни ривожлантириш деярли барча иқтисодий субъектларга катта қулайлик олиб келади. Ўз навбатида сайёҳлар ўзлари хоҳлаган маҳсулот ва хизматларни оладилар, сайёҳик компаниялар ва тадбиркорлар юқори иш ҳақи ва фойдага эга бўладилар, минтақа эса ўз бюджетини солиқ тушумлари орқали тўлдиради.

¹ Тадқиқотчи ишланмаси

Туризмнинг минтақадаги ижтимоий самарадорликка бевосита таъсирини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу йўналишда хорижда бир қатор илмий ишлар чоп этилишига қарамасдан, туризмни ижтимоий ривожланишга туртки бўлиши ва аҳоли турмуш даражасига таъсирининг илмий-назарий асослари ҳали тўлиқ шаклланмаган. Аввалом бор минтақавий туризм бозорини ижтимоий соҳага таъсирининг асосий йўналишларини аниқлаб олиш зарур (2-расм) қаранг.



2-расм. Минтақавий туризмнинг ижтимоий самарадорлик йўналишлари².

Туризмнинг ижобий таъсири биринчи навбатда минтақадаги миллий кадриятлар, урф-одатларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга олиб келади. Ушбу йўналиш минтақада ўзига хос маданий сайёҳлик брендини шаклланиши ва сайёҳларни таклиф қилишнинг муҳим механизми бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, туризм инфратузилмасини ривожлантиришда янги коммуникациялар, информацион технологияларни қўллаш аҳолининг ижтимоий қарашлари ва фаолиятларини ижобий тарафга ўзгаришига олиб келади.

²Тадқиқотчи ишланмаси

Минтақада туризм соҳасида меҳнат қиладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, янги ўқув технологияларидан фойдаланиш, жаҳон стандартлари талабига мос келадиган кадрларни шакллантириш таълим тизими учун ўрнатилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари асосий ижтимоий муаммо бўлган аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам туризм салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда янги иш жойларини ташкил этилиши йирик ижтимоий самара натижаси бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ўз навбатида уларни даромадларини ортишига, бевосита турмуш сифатини ошишига олиб келади.

Ички туризмни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг дам олиши учун қулай шароит яратилиши, уларни саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлашга муҳим замин яратади.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, туризмнинг асосий истеъмолчилари ўрта синф вакиллари дир. Ушбу омил мамлакатда ва минтақаларда ўрта синфни шаклланиши учун кенг имкониятлар яратиб беради. Туризмни нафақат минтақавий тармоқ сифатида эмас, балки тармоқлараро соҳа эканлигини эътиборга олган ҳолда, уни ҳудудлараро ижтимоий табақалашувга таъсир қилиб, аҳоли турмуш даражасидаги фарқларни камайтириш ва яқинлаштириш учун яхши имкон яратади.

Ижтимоий соҳа тўғрисида гапирганда, туризмни ушбу соҳага ҳам тааллуқли эканлигини таъкидлаш лозим. Туризмнинг аҳамияти унинг ижтимоий соҳадаги қуйидаги фаолиятлари билан белгиланади:

- моддий ва номоддий бойликларни истеъмолчига етказиб бериш;
- истеъмол жараёнига хизмат қилиш;
- аҳоли саломатлигини таъминлаш;
- аҳолини ижтимоий-маданий даражасини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш;

Туризм жамиятда ўзига хос ижтимоий вазифаларни бажаради. Улар аҳолини меҳнатга лаёқатини тиклаш ва ривожлантириш, бўш вақтдан самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, дам олиш инфратузилмаларини ривожлантиришдан, саломатликни тиклашдан иборат.

Фикримизча, минтақавий туризм ижтимоий йўналтирилган бўлиши керак. Биринчидан, туризм инсон манфаатлари учун хизмат қилиш; иккинчидан эса, микро ва макродаражада даромадлар олишга мўлжалланган, яъни ижтимоий йўналтирилган ва бозор механизмларини қўллашга қаратилган десак тўғри бўлади.

Хулоса ва таклифлар:

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки туризм минтақа иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатган ҳолда, етакчи соҳа сифатида ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш, узоқ ва ўрта муддатда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, энг асосийси аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун асосий лақоматив бўлиб хизмат қилади. Минтақа шароитида қуйидагилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- минтақаларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ ишлаб чиқилган стратегиясининг зарурлиги;
- иқтисодий ислохотларнинг миллий моделини ҳисобга олган ҳолда номарказлаштириш, минтақалараро интеграция, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби умумий тенденцияларга минтақавий сиёсатни босқичма-босқич мослаштириш;
- минтақаларни (туризмни) ривожлантиришда бюджетлараро муносабатларни ҳал этиш билан бир қаторда, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини эътиборга олган ҳолда инвестиция сиёсатини амалга оширишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ;
- минтақаларнинг мажмуали ва барқарор ривожланиши, шу жумладан, туризмни тартибга солишнинг асосий омили сифатида инфратузилмаларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гаврилов А. Развитие методологии ресурсного потенциала на региональном уровне. –М.; 2012, 18с.
2. Белоусов В.И. Региональная стратегия социально-экономического развития: современная практика и направления совершенствования. М. региональная экономика: теория и практика. 2011, №2, 185с.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини барқарорлигини таъминлашга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги. Қарори, 2017 йил 8 август.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий хокимият органларининг молиявий эркинлигини ошириш, солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги. Фармони. – Тошкент, 2017й 13 декабрь.
5. О.В. Кузнецова. Экономическое развитие регионов.-М.: КомКнига, 2005, -с.88-91.
6. Ю.Н. Гладкий, А.И. Чистобоев. Основы региональной экономики. Санкт-Петербург.1998,-с. 131-132